

№01-07/4
21.04.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов
2022 йил 21 апрель

**“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган
йиғилиши 4-сон БАЁНИ**

2022 йил 21 апрель

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат
раиси

Қатнашдилар:

Ш.Садиков, Ҳ.Исаев, Д.Кучарова,
А.Мамазаров, Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

Таклиф қилинганлар:

Д.Хамдамов;
Д.Мадиева, Г.Бобоева,
С.Ҳақназаров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси;
“Ўзбекистон 24” радиоканали журналисти,
“ЎЗА” миллий ахборот агентлиги мухбири,
“Маҳалла” радиоканали журналисти

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Миллий архивининг бўлим мудирлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар марказий ҳамда вилоят, туман (шаҳар) давлат архивлари директорлари.

КУН ТАРТИБИ:

I. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I чорак якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида (Юсупов У.М.):

- амалга оширилган ишлар тўғрисида Андижон (Хамидов А.Ю.) ва Наманган (Оппоқов Х.Н.) вилоятлари давлат архивлари директорларининг ҳисоботи.

II. “Ўзархив” агентлигида 2022 йил I чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил

қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисида (Садиков Ш.Г., Юсупов Д.З.):

- амалга оширилган ишлар тўғрисида Фарғона вилояти давлат архиви директори Мадаминов Р.Р.нинг ҳисоботи.

Ш. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2022 йил I чорак давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида (Садиков Ш.Г., Анаркулова Н.У.):

- амалга оширилган ишлар тўғрисида Наманган вилояти давлат архиви директори Оппоқов Х.Н.нинг ҳисоботи.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати Мажлисининг 2022 йил 4 апрелдаги 50-сон баёни ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 08/3-84 сон топшириғига асосан Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳосини ошириш тўғрисида (Алиев А.О.)

V. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори ижроси ҳолати ва Давлат архивлари томонидан “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш ҳолати (Исаев Х.Н.).

VI. Турли масалалар.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

I. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I чорак якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида

(Юсупов У.М., Ҳамдамов Д.Ш., Садиков Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Ҳамидов А.Ю., Оппоқов Х.Н., Юсупов У.М.)

1. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг 2022 йил I чорак якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2022 йил I чорагига мўлжалланган режаси **21 та кўрсаткичлар** бўйича бажарилиб, шундан **19 та кўрсаткич** бўйича ошириб бажарилганлиги;

Хусусан, қоғоз асосидаги ҳужжатларни таъмирлаш **63 906** варақ, муқовалаш ва тикиш **24 474 с.б.**ни ташкил этганлиги;

алоҳида қимматли **4 165** сақлов бирлигидаги қоғоз асосидаги, **30 с.б.** кино, **520 с.б.** сурат ҳужжатларини аниқлаш ишлари амалга оширилганлиги;

давлат архивлари томонидан **59 291 с.б. бошқарув, 23 с.б. шахсий келиб чиқиш, 6 734 с.б. шахсий таркиб, 27 с.б. кино, 1 174 с.б. сурат, 100 с.б. овозли хужжатлар қабул қилинганлиги;**

шахсий таркиб давлат архивлари томонидан 1 625 с.б. бошқарув, 23 662 с.б. шахсий таркиб хужжатлари қабул қилинганлиги;

давлат архивлари томонидан ташкилот ва корхоналарнинг **60 888 с.б. бошқарув, 58 с.б. илмий-техник, 14 508 с.б. шахсий таркиб, 31 668 с.б. сақлаш муддати вақтинча бўлган хужжатлар, шахсий таркиб хужжатлари давлат архивлари томонидан **2 662 с.б. бошқарув, 22 393 с.б. шахсий таркиб, 8 933 с.б. сақлаш муддати вақтинча бўлган хужжатлари шартнома асосида тартибга келтирилганлиги;****

“Ўзархив” агентлиги ва ҳудудий бошқармалар томонидан **56 та** вазирлик ва идораларда ҳамда ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан **давлат назорати** ўтказилганлиги, текширув натижасида ташкилот ва корхоналарга **36 та тақдимномалар** киритилганлиги, 1 та текшириш материали жиноят аломатлари аниқланган юзасидан Бош прокуратурага юборилганлиги;

республика архивлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми **6,715 млрд. сўмни** ташкил этганлиги, шундан **давлат архивларида 4,606 млрд. сўм, шахсий таркиб хужжатлари давлат архивларида эса 2,109 млрд сўмни** ташкил этганлиги;

Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш йўлида Қуддус шаҳрида 2022 йил 6 апрель куни “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Яд Вашем, Холокост қурбонлари ва қаҳрамонларини хотирлаш бошқармаси (Қуддус) ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум” имзоланганлиги;

Ўзбекистон ва Исроил пойтахтларида “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва Республика яҳудийлар миллий маданий маркази томонидан “**Ўзбекистонда яҳудийлар ҳаёти: тарихий даврлар кесимида**” мавзусидаги кўргазма ва илмий семинар ва давра суҳбати ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори ижроси юзасидан 2022 йил I чорак якуни бўйича вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари тўғрисида” 62-сон баёни **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Шу билан бирга, қуйидагилар:

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Исаев Х.Н.) томонидан мақсадли кўрсаткичларнинг биргина “Архив ходимларини ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш” кўрсаткичи **тўлиқ бажарилмасдан қолганлиги;**

директор ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини (KPI) баҳолаш бўйича Ҳайъат йиғилишларида мақсадли кўрсаткичларга тўлиқ эришишда муаммо ва йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама **қилиш белгилаб қўйилиши кўрсатиб ўтилсин.**

3. Архив ишини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини 2022 йилга мўлжалланган айрим кўрсаткичларни бажаришда архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Хусусан, Андижон вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан **21** та ташкилотда ялпи ўрганиш белгиланган бўлсада, **11** та ялпи ўрганиш ўтказилиб, режага нисбатан **52%**га бажарилганлиги;

Архив иши ва иш юритиш маркази томонидан **250 нафар** тингловчилар малакасини ошириш белгиланган бўлсада, **138** нафар тингловчилар жалб этилган бўлиб, режага нисбатан **55%**га бажарилганлиги жиддий камчилик **деб ҳисоблансин.**

4. Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомида белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланмаётганлиги, хусусан, архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг, шунингдек, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари аниқланган ҳолатларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузилмаслик ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда суд органларига юбориш чоралари кўрилмаётганлиги;

мазкур низомда давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар архив иши ва иш юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлигини бартараф қилиш ҳақида давлат ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга бўлсада, Бухоро (Аминов С.Ж.), Наманган (Ахмадалиев Н.Х.), Фарғона (Маллаев Д.А.) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан 2022 йил I чорак давомида амалга оширилган давлат назорати тадбирлари яқунлари бўйича ташкилотларга тақдимномалар киритилмасдан, мазкур ҳуқуқдан самарали фойдаланмаётганликлари;

юқорида кўрсатиб ўтилганлар натижасида, Агентликка берилган архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш ваколатининг натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги **камчилик сифатида қаралсин.**

5. Андижон (Хамидов А.Ю.) ва Наманган (Оппоқов Х.Н.) вилоятлари давлат архивлари директорларининг 2022 йил I чорак давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари **маълумот учун қабул қилинсин.**

6. Андижон вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи (Зухриддинов) ва Архив иши ва иш юритиш маркази директори (Рихсибоев) белгиланган режалар бажарилмаганлиги учун огоҳлантирилсинлар.

7. “Ўзархив” агентлиги Тартибга солиш таъсирини баҳолаш, архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати бўлими (Хожибоев):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорлари асосида Агентлик директори ўринбосарлари томонидан самарадорлик кўрсаткичларига тўлиқ эришилиши таъминлаш юзасидан доимий назорат ва мониторинг қилиб борсин;

бунда ҳар чоракда амалга оширилган таҳлиллар, эришилган натижалар ва тизимли камчиликлар бўйича маълумотлар базасини шакллантирсин;

раҳбар ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги мақсадли кўрсаткичларини режалаштиришда сунъий равишда пасайтириб кўрсатишга йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

директор ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини (KPI) баҳолаш бўйича Ҳайъат йиғилишларини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси аппарати масъул ходими (куратор) иштирокида танқидий ўтказиш чоралари кўрилсин, бунда Ҳайъат йиғилишда мақсадли кўрсаткичларга тўлиқ эришишда йўл қўйилган тизимли муаммо ва камчиликларни танқидий муҳокама қилиш ҳамда фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини эришишда такроран паст натижа қайд этган директор ўринбосарлари фаолиятига принципиал баҳо бериш, шунингдек, ижро интизомида жиддий камчиликларга йўл қўйган, шу жумладан, "Ijro.gov.uz" тизимида шахсан ўзига бириктирилган бажарилмаган топшириқлари бўлган раҳбар ўринбосарлари фаолиятини баҳолашга алоҳида эътибор қаратсин;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва бошқа муҳим концептуал ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда раҳбар ўринбосарлари фаолиятини баҳолашнинг қўшимча мезонларини ишлаб чиқсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

2022 йилга белгиланган асосий кўрсаткичлар режаларнинг бажарилишини қатъий назоратга олсинлар;

архив хизматларини кўрсатилишини янада жадаллаштириш орқали архивларнинг пуллик тушумларини ошириш чораларини кўрсинлар;

ташкilot ва корхоналарнинг меъёрий-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқилиши, консалтинг хизматларни кўрсатилиши ва ҳужжатларни депозитар сақловга қабул қилиш хизматларини ривожлантирсинлар ҳамда ягона нархномага қатъий равишда амал қилиш чораларини кўрсинлар;

архивларга 2022 йил учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларни ўз вақтида ва самарали ўзлаштириш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатларни мақбуллаштириш чораларини кўрсинлар;

2022 йил 20 майга қадар архив биноларини ва қўшимча сақловхоналарни қуриш бўйича 2023-2025 йиллар учун Инвестиция дастурига киритиш учун Агентликка ва маҳаллий ҳокимликларга асослантирилган таклифлар киритсинлар.

9. Андижон вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи (Зухриддинов Н.Н.) **ўн кун муддатда** вилоят давлат архивининг эски биносини архивнинг балансига ўтказиш бўйича асослантирилган таклифларни Агентликка киритсин.

10. "Ўзархив" агентлиги директори ўринбосари (Исаев Х.Н.) ва Архив иши ва иш юритиш маркази директори (Рихсибоев М.А.):

2022 йил 15 майга қадар ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малака ошириши лозим бўлган архив ходимлар рўйхатини ва ўқитиш графигини шакллантирсинлар;

2022 йил якунига қадар тасдиқланган рўйхат ва графикка асосан архив ходимларини малакасини оширилишини ташкил этсинлар.

11. Қорақалпоғистон Республикаси (Қаипназаров М.Б.), Андижон (Зухриддинов Н.Н.) архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари давлат назоратини ўтказиш сифатини, самарадорлигини ошириш, шунингдек, архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг, шунингдек, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатишнинг белгиланган

тартибини бузганлик ҳолатлари аниқланган ҳолатларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда суд органларига юбориш чораларини кўрсинлар.

12. Бухоро (Аминов С.Ж.), Наманган (Ахмадалиев Н.Х.), Фарғона (Маллаев Д.А.) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари 2022 йил I чорақда давлат ташкилотларида амалга оширилган давлат назорати бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлигини бартараф қилиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ўрнатилган тартибда киритилсин.

II. “Ўзархив” агентлигида 2022 йил I чорақ давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисида

(Юсунов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Юсунов Д.З., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Мадаминов Р.Р., Юсунов У.М.)

13. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг “Ўзархив” агентлигида 2022 йил I чорақ давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқларнинг 2022 йил I чораги давомидаги ижро ҳолати батафсил таҳлил қилинганлиги;

2022 йил I чораги давомида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони жами 11 тани ташкил этганлиги, шундан, 10 таси директор ўринбосари Ш.Садиқовга, 1 таси Х.Исаевга тегишли топшириқлар бўлиб, топшириқларнинг барчаси белгиланган муддатлардан кечиктирилмасдан ижроси таъминланганлиги;

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари ва масъул бўлган ходимлар билан “Ijro.gov.uz” тизимидаги бажарилиши белгиланган топшириқлар ижро ҳолати ҳафтада икки маротаба (чоршанба ва жума кунлар) раҳбарият ҳузурида душанба кунлари дирекция йиғилишларида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланиб борилаётганлиги;

2022 йил I чораги давомида Агентликка келиб тушган ҳужжатлар **580 тани**, юборилган ҳужжатлар **433 тани** ташкил этганлиги, **63 та** асосий фаолиятга оид, **41 та** шахсий таркибга оид буйруқлар ва **13 та** фармойишлар ишлаб чиқилганлиги;

ҳисобот даврида Агентлик томонидан **46 та**, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (**2 та**), Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари (**6 та**), Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари (**25 та**), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (**13 та**) ижроси юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинганлиги;

жорий йилнинг I чорагида Фарғона шаҳрида Агентлик тизимидаги 50 дан ортиқ ходимлар иштирокида “Ижро интизоми ва иш юритишни ташкил этиш” мавзусида семинар ташкил этилганлиги;

Агентлик тизимида фаолият олиб бораётган ижро интизоми ва иш юритишга масъул ходимларнинг Агентлик марказий аппаратида стажировкадан ўтишлари учун шароит яратилганлиги ва уларга онлайн шаклда методик кўмаклашиш ишлари ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 12 апрелдаги 53-сон баёни **маълумот учун қабул қилинсин.**

14. Фарғона вилояти давлат архиви директорининг (Мадаминов Р.Р.) 2022 йил I чорак давомида ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилсин

15. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси архив иши ҳудудий бошқармаси (Қайпназаров М.Б.) 2022 йил I чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни Агентликка киритмаганлиги **жиддий камчилик сифатида қабул қилинсин.**

16. “Ўзархив” агентлиги директор ўринбосарлари (Садиков Ш.Ғ. ва Исаев Х.Н.) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Юсупов Д.З.):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган талаблар асосида **топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрсинлар;**

топшириқлар ижросини амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этсинлар, бунда марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва Ўзбекистон миллий архивларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратсинлар;

топшириқларни бажариш бўйича **назорат ва ҳисобдорликни** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан **белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар;**

17. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

ҳисобот даврида келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига ҳамда ижро интизоми ва иш юритишни ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарор талабларига мувофиқ ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартибига қатъий риоя этилишига эътибор қаратсинлар;

тасарруфидаги қуйи ташкилотларда ижро интизоми ҳолатини мунтазам равишда ўргансинлар ва назоратга олган ҳолда натижадорлигини ошириш юзасида йиғилишларда танқидий муҳокама қилиб борсинлар;

хужжатларни рўйхатга олиш ва ижро интизомини таъминлаш тизимининг мавжуд камчиликларини чуқур таҳлил қилган ҳолда амалдаги тартибнинг

бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда таъсирчан чоралар кўрсинлар.

18. Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Юсупов Д.З.):

“Ўзархив” агентлиги тизим ташкилотларида ижро интизомини таъминлаш ва иш юритишни ташкил этишда методик кўмаклашиш амалиётини давом эттирсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган раҳбар интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифларни “Ўзархив” агентлиги директорига киритиб борсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси архив иши ҳудудий бошқармаси (Қаипназаров М.Б.) 2022 йил I чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни Агентликка киритмаганлиги учун жиддий огоҳлантирилсин.

III. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2022 йил I чорак давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида

(Юсупов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Анаркулова Н.У., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Оппоқов Х.Н., Юсупов У.М.)

20. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2022 йил I чорак давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Агентлик раҳбарияти томонидан 2022 йил I чорак давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги шаҳар ҳамда туманларда жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабули жадвалига асосан **5 та** сайёр ва шахсий қабуллар ўтказганлиги ва **34 нафар** фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилганлиги;

Агентликка жорий йил I чорагида жисмоний ва юридик шахслардан жами **211 та**, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали **161 та**, ишонч телефони орқали **3 та**, ёзма тарзда **47 та** мурожаатлар келиб тушганлиги;

архивларга жисмоний ва юридик шахслардан **4 391 та** мурожаатлар келиб тушганлиги ҳамда ўрнатилган тартибда кўриб чиқилганлиги;

жорий йил I чорагида архивларга **28 284 та** мавзули сўровлар, шундан давлат архивларига 15 867 та, шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларига 12 417 та келиб тушганлиги;

2022 йил I чорагида архивларга **111 135 та** ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар, шундан, давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **62 466 та**, почта ва электрон почта орқали **19 794 та**, **28 875 нафар** фуқаро бевосита архивга мурожаат этганлиги,

архив ҳужжатлари асосида **76 969 та** сўровлар ижроси бажарилиб, улардан **69 121 таси** ижобий, **7 884 таси** бўйича эса тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилганлиги, ташкилот ҳужжатлари архив сақловига келиб тушмаган ва

тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган сўровлар сони **15 782 тани** ташкил этганлиги;

архивларда 2022 йил I чорагида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчиликка йўл қўйганликлари учун **6 нафар** раҳбар ва масъул ходимларга интизомий жавобгарлик қўлланилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 56-сон баёни **маълумот учун қабул қилинсин**.

21. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали такрорий мурожаатлар келиб тушаётганлиги;

2022 йил 1 чорак давомида жами 15 та, жумладан Сурхондарё вилоятига 4 та, Қашқадарё вилоятига 3 та, Тошкент вилоятига 3 та, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳарга 1 тадан **такрорий мурожаатлар келиб тушганлиги**;

my.archive.uz орқали келиб тушган сўровларга жавобан Жиззах вилояти Арнасой тумани (4 та), Фарғона вилояти Бувайда тумани (2 та), Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар (1 та), Тошкент вилояти Қибрай тумани (1 та), Зангиота тумани шахсий таркиб хужжатлари давлат архивлари томонидан архив маълумотномасини маълумотларсиз, изоҳсиз (бўш бланкада) имзо қўйиб ижро этилганлиги;

Наманган вилояти давлат архиви томонидан тегишли ташкилот хужжатлари архивда мавжуд бўлсада, хужжатлар келиб тушмаган ёки фамилияси ва исми аниқланмаганлиги тўғрисида нотўғри маълумотнома my.archive.uz орқали тақдим этилганлиги **жиддий камчилик сифатида қаралсин**.

22. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Садиков Ш.Ғ.), бўлим бошлиғи (Анаркулова Н.У.), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Миллий архивлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари “Ўзархив” агентлиги, унинг ҳудудий ва тизим ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли ташкил этиш, мурожаатларни кўриб чиқишнинг натижадорлигини таъминлаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш чораларини кўрсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаатини ўз вақтида, қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқилиши юзасидан янада талабчанликни кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг, шунингдек такрорий мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини ўрганиш ҳамда келгусида уларни камайтириш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларининг асоссиз бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар;

жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш чораларини кўрсинлар, мурожаатларни, айниқса такрорийларининг ҳар бирини, ўз вақтида сифатли кўриб чиқиш юзасидан назорат ишларини кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда масъулиятсизлик ва юзакичиликка йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрсинлар;

раҳбарлар томонидан жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг (вакиллари) билан тасдиқланган жадвал асосида сайёр қабуллар ўтказиш

амалиётини давом эттирсинлар, қабулларда кўтарилган масалалар ўз вақтида тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилишини таъминласинлар, муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чораларини кўрсинлар;

хайъат, дирекция йиғилишларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишларнинг аҳволини мунтазам муҳокама этиб бориш ва тегишли таркибий тузилмаларда мониторинглар ўтказсинлар, қонунда белгиланган талабларни бузган масъул ходимларга нисбатан кескин чоралар кўриб борсинлар;

муурожаатлар бўйича иш юритишни янада такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш, муурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсинлар;

тизим ташкилотларига нисбатан муурожаатлар билан ишлаш бўйича талабчанликни ошириш, уларга доимий амалий ёрдамлар кўрсатиш ва тавсиялар бериб бориш чораларини кўрсинлар.

23. Андижон (Зухриддинов Н.Н.), Қашқадарё (Бобоқулов С.А.), Наманган (Ахмадалиев Н.А.), Сурхондарё (Абдушуқуров Б.Т.), Самарқанд (Маманазаров А.А.), Тошкент (Махамматов А.Ж.), Хоразм (Мағрасулов Р.И.) вилоятлари ва Тошкент (Кучарова Д.Л.) шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари **такрорий** муурожаатлар келиб тушмаслик чораларини кўрсинлар.

24. Жиззах (Авлияхонов С.А.), Қашқадарё (Бобоқулов С.А.), Фарғона (Маллаев Д.А.), Тошкент (Махамматов А.Ж.) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари архивлар томонидан архив маълумотномасини ўрнатилган тартибда, сифатли ҳамда ўз муддатида тақдим этиш чораларини кўрсинлар.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати Мажлисининг 2022 йил 4 апрелдаги 50-сон баёни ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 08/3-84 сон топшириғига асосан Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳосини ошириш тўғрисида

(Юсунов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Алиев А.О., Хожибоев Ш.Э., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсунов У.М.)

25. “Ўзархив” агентлиги Ахборот хизмати раҳбари, директорнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Алиевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати Мажлисининг 2022 йил 4 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон қарорида белгиланган устувор вазибаларнинг ижросини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг масъулияти тўғрисида”ги 50-сон баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 08/3-84 сон топшириғи асосан Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳоси тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

2021 йил II ярим йиллик яқунлари бўйича, Агентлик ахборот хизмати раҳбари фаолияти – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 91,00 балл (2020 йил яқунлари бўйича 83,50 балл) билан баҳоланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ўтказилган 2021 йил ўрганиш якунлари кўра Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳоси Агентликлар ичида 77,74 бал билан 2 ўринда эканлиги;

2022 йил 1 чорак давомида жами 16 та матбуот тадбирлари, 8 та матбуот анжумани, 2 та пресс-тур, 6 та брифинг ўтказилиб онлайн эфирга узатилганлиги, тадбирлар якунидан сўнг бир соат ичида “Ўзархив” агентлигининг “Facebook”, “Telegram”, “Instagram”, “Twitter” ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида жойлаштирилганлиги;

Ахборот хизмати томонидан 2022 йил I чорак давомида ижтимоий тармоқларда 25 та онлайн эфирлар ташкил этилганлиги, шунингдек, 35 та инфографика ва 153 та фото, 12 та аудио ҳамда 82 та видео материаллар намойиш этилганлиги;

Ижтимоий тармоқлардаги Агентликнинг расмий саҳифаларида обуначилар сони 13 752 нафарни, материалларни кўриш ўртача 39 000 та ижтимоий тармоқ аъзосини ташкил этаётганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

26. **Шу билан бирга**, амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда Сирдарё (Юлдашев У.Х.), Тошкент (Махамматов А.Ж.) вилоятлари архив иши худудий бошқармаларининг ахборотларни расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш ҳамда Агентлик Ахборот хизматига тақдим этиш ҳолати **талаб даражасида эмаслиги**;

2022 йил I чорагида архив иши худудий бошқармалари ва Ўзбекистон миллий архивлари (*Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви бундан мустасно*) томонидан хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилинмаганлиги;

айрим архивлар томонидан ахборотни етказиб беришда замонавий ёндашувлардан фойдаланмаслиги, қамровнинг торлиги, шунингдек, ишнинг тизимли олиб борилмаслиги **жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин.**

27. “Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 08/3-84-сон топшириғига асосан Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳосини оширишга қаратилган **чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

28. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

“Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 08/3-84-сон топшириғига асосан Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳосини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз таъминлаш;

давлат архивлари фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, Агентликнинг расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа турлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

“Вилоят журналистлар пули”ни ривожлантириш, доирасини кенгайтириш, журналист ва блогерлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш чораларини кўриш;

“Ўзархив” агентлиги ва архив муассасаларининг ижобий мавқеини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда “Ўзархив” агентлиги Ахборот хизмати билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида “Ўзархив агентлиги ҳамда давлат архивлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш ҳамда “Ўзархив” агентлиги Ахборот хизматига тақдим этиш;

мазкур йўналишда бажарилган ишлар юзасидан Агентликка **жорий йил 20 июнь кунига қадар** маълумотнома тақдим этиш чораларини кўрсинлар.

29. “Ўзархив” агентлиги директорининг Давлат тили бўйича маслаҳатчиси (Турсунбаев Ш.М.):

Агентлик ва унинг тизимидаги муассасалар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда очиқ маълумотлар ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;

“Очиқлик индекси” бўйича фаолият кўрсаткичларини юқори даражага олиб чиқишда Агентлик ахборот хизмати билан ҳамкорлик қилиш;

Архив иши ҳудудий бошқармалари фаолиятини жамоатчилик асосида назорат қилиш ташкил этсинлар.

VI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори ижроси ҳолати ва Давлат архивлари томонидан “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш ҳолати тўғрисида

(Юсунов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиков Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Анаркулова Н.У., Юсунов Д.З., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсунов У.М.)

30. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Х.Исаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори ижроси ҳолати ва Давлат архивлари томонидан “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон миллий архивлари ва давлат архивлари томонидан жами 748 582 с.б.даги 44,7 млн. кадр рақамлаштирилганлиги, 2022 йил

I чорагида 36 211 сақлов бирлигидан 3,9 млн. кадр рақамлаштирилган бўлиб, режага нисбатан 126 фоизга бажарилганлиги;

2022 йил 14 апрель ҳолатига кўра Ўзбекистон миллий архивлари ва давлат архивлари томонидан ахборот тизимига жами **43 277 та фонд, 23 799 та рўйхат, 17461 сақлов бирлиги тўғрисидаги маълумот киритилганлиги** ва **180 та хужжат** яратилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарорига асосан “Ўзархив” агентлиги ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда 2022 йил якунига қадар давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминлаш вазифаси Агентликка юклатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарори ижроси бўйича Агентлик томонидан кунлик мониторинг ташкил этилганлиги;

Республика бўйича давлат архивлари томонидан хатловдан ўтказилган қарорлар (қарор, баённома, буйруқ ва бошқалар) **137 041 тани**, шу жумладан ҳокимликлар қарорлари **116 975 тани**, ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорлари **9 866 тани**, колхоз ва совхозларнинг ер ажратиш тўғрисидаги баённома ва буйруқлари **13 387 тани** ташкил этганлиги;

хатлов натижасида аниқланган қарорларнинг жами **46 362 тасининг** электрон нусхаси яратилганлиги, жами рақамлаштирилган кадрлар **326 458 тани** ташкил этганлиги, **6 182 та** рақамлаштирилган хужжатларнинг электрон нусхалари шаҳар сектор раҳбарларига тақдим этилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

31. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда миллий архивлар директорлари:

“Давлат архивларида рақамлаштирилаётган хужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни (фонд, рўйхат, сақлов бирлиги, хужжат, библиография) киритиш ишларини жадаллаштириш бўйича таъсирчан чораларни кўрсинлар;

бунда, маълумотларни Тизимга киритишда биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарорига кўра, рўйхатга киритилган қарорларни (буйруқ, баённома, буйруқ ва бошқалар) киритишни таъминласинлар;

2022 йил якунига қадар давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини

таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласинлар.

32. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Исаев Х.Н.), Электрон архивлар ва ҳужжатларни юритиш бўлими бошлиғи (Зиятдинов А.М.) ва Бош бухгалтер (Суюнов Ф.О.)га ҳар чорак бўйича “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш бўйича давлат архивлари ва миллий архивларнинг энг фаол ходимларини моддий рағбатлантириб бориш тартибини жорий қилиш юзасидан таклиф киритиш топширилсин.

33. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари (Садиков Ш.Ғ.) зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат аъзоси:

Ш. Садиков

Х. Исаев

Д. Кучарова

А. Маманазаров

Д. Закирова



Баённома тузувчи:

Ш.Хожибоев

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг
2022 йил 21 апрелдаги йиғилиши
4-сон баёнига илова

“Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 апрелдаги 08/3-84 сон топшириғига асосан
Агентликнинг “Очиқлик индекси” бўйича кўрсаткич миқдори ва баҳосини оширишга қаратилган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

т/р	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъуллар	
			Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ҳудудий бошқармалари	Агентлик
1.	“Ўзархив” агентлигида ОАВни аккредитациядан ўтказиш тартибини қайта ишлаб чиқиш.	2022 йил май	-	Ш.Садиков, А.Алиев
2.	“Ўзархив” агентлигида ОАВни аккредитациядан ўтказиш.	2022 йил июнь	-	А.Алиев, Ш.Турсунбаев
3.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишини бориши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш.	Доимий	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Алиев, А.Файзуллаев, Л.Мирзаев, Ж.Уматов
4.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.	Ҳар ой	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	Л.Мирзаев, Ж.Уматов
5.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг ишлаб чиқиладиганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.	Ишлаб чиқиш жараёнида		Л.Мирзаев, Ж.Уматов

т/р	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъуллар	
			Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ҳудудий бошқармалари	Агентлик
6.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик томонидан давлат ва бошқа дастурларнинг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.	Ҳар ой	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Файзуллаев, Ж.Уматов
7.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентликнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.	Ҳар ой	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	Н.Анаркулова, Д.Дадаева, Ж.Уматов
8.	Агентлик расмий веб-сайтида амалга оширилишида Агентлик иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиб бориш.	Доимий	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	Д.Дадаева, Ж.Уматов
9.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентликнинг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.	Ҳар ойда камида бир маротаба	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Файзуллаев, Л.Мирзаев, Ж.Уматов
10.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.	Доимий	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	Ф.Суюнов, Ж.Уматов
11.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш	Доимий	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	Ш.Турсунбаев, Ж.Уматов
12.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентликнинг очик Ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан, мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари,	Режага кўра мажлис ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва	Ш.Ҳожибоев, Л.Мирзаев, Ж.Уматов

т/р	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъуллар	
			Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ҳудудий бошқармалари	Агентлик
	улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш.		Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	
13.	Агентлик директорининг ОАВ ва эълон қилинган материаллари, теле- ва радио эфирлардаги чиқишлари сонини кўпайтириш.	Доимий	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Алиев
14.	Ахборот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги кузатувчилари сонини кўпайтириш.	Доимий	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Алиев
15.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентлик раҳбарлари чиқишлари ҳамда баёноtlари матнларининг эълон қилиб бориш.	Доимий		Ш.Турсунбаев, Ж.Уматов
16.	Агентлик расмий веб-сайтида давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини янгилаш ва эълон қилиш	2022 йил 5 май		Х.Исаев. Ж.Уматов
17.	Агентлик расмий веб-сайтида келиб тушган аризаларни, таклифларни, шикоятларни, шунингдек Агентлик фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборотни эълон қилиб бориш	Ҳар чорак	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	Н.Анаркулова, А.Зиятдинов, Ж.Уматов
18.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентликнинг фаолияти тўғрисида расмий веб-саҳифаларда жойлаштириладиган ахборот рўйхатини эълон қилиш	2022 йил 29 апрель	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Зиятдинов, Ж.Уматов
19.	Агентлик расмий веб-сайтида Агентликнинг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотлар рўйхатини эълон қилиш	2022 йил 25 апрель	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Зиятдинов, Ж.Уматов

т/р	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъуллар	
			Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ҳудудий бошқармалари	Агентлик
20.	Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Агентлик очик Ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиш тартибини ишлаб чиқиш ва расмий веб-сайтда эълон қилиш	2022 йил май		А.Алиев, Ж.Умматов
21.	Агентлик веб-сайтига Ахборот олишга электрон сўров бериш онлайн хизматининг мавжудлик функциясини кўшиш	2022 йил май		А.Турапов, Ж.Умматов
22.	Фойдаланувчи билан мулоқот ўрнатиш учун ихтисослаштирилган мобиль иловалар ташкил қилиш чораларини кўриш.	йил давомида		Х.Исаев, А.Турапов
23.	Очик коллегиял мажлисларига ОАВ ҳамда фуқаролик жамиятининг институтлари субъектларини таклиф этиш	Очик мажлисларда	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари	А.Алиев